

МУЗЕЙЛАРДА ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ



Ч. Х. Ганиева

Доцент

К.Беҳзод номидаги МРДИ “Музейшунослик”
кафедраси

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-01-05>

Аннотация: Ушбу мақолада маданий жараёнлар ривожида музей педагогикасининг аҳамияти ҳақида батафсил баён этилган. Мақолада ривожланган давлатларнинг музейларга, айниқса бадиий йўналишдаги музейларга эътиборини музейнинг катта маънавий озуқа омбори сифатидаги ўрни билан белгиланиши, жамиятдаги маънавий тараққиёт миллий ўзликни англашнинг ривожи билан алоқадорлиги мисоллар билан келтирилган.

Калит сўзлар: маданий таълим, томошабин, бадиий музейлар, бадиий мерос, экспозиция, музей иши, музей педагогикаси.

Аннотация: В этой статье подробно рассматривается значение музейной педагогики в развитии культурных процессов. Приведены примеры того, что внимание развитых стран к музеям, особенно музеям художественного направления, определяется роль музея как хранилища больших духовных питательных веществ, духовный прогресс в обществе связан с развитием понимания национальной ценности.

Ключевые слова: культурное образование, зритель, художественные музеи, художественное наследие, экспозиция, музейная работа, музейная педагогика.

Abstract: This article examines in detail the importance of museum pedagogy in the development of cultural processes. Examples are given that the attention of developed countries to museums, especially art museums, determines the role of the museum as a repository of great spiritual nutrients, and spiritual progress in society is associated with the development of an understanding of national value.

Key words: cultural education, spectator, art museums, art heritage, exposition, museum work, museum pedagogy.

Музейларнинг педагогик йўналиши ривожланиши худуд тарихий меросини тарғиб этиш билан бирга, мавжуд тарихий шаҳарлар номини оммага танитишда ва миллий маънавиятимиз шаклланишини таъминлайди.

Ўзбекистон музейларида педагогик таълим концепцияси кўп қиррали кўринишда қуидаги фикрларни умумлаштирумокда:

- ёрқин ва намунавий экспозицияларни жамлаган, музей иши доирасидаги замонавий лойиха ва дастурларни ишлаб чиқсан ҳолда ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашдаги амалий аҳамияти;

- глобал муаммолар шакли ва кўринишидаги ижтимоий ҳаёт лавҳаларига асосланган кўргазмалар ташкил этиш ва уларни ёшлар ҳаётига тарғиб этиш.

Музейлар ривожидаги асосий концептуал ғоя томошабинлар қизиқиши ва талаблари асосида тузилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш авлод тарбияси ва билим олишида фаол таъсирчан обьектлар вазифасини ўтайди. Халқаро доирадаги маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган музейлар замонавий бадиий жараёндаги имкониятларини ўргангандан ҳолда, улар қуидаги имкониятларга эга бўлиши фойдаладан ҳоли бўлмайди:

- шаҳар, айниқса, пойтахт музейлари замонавий биноларга эга бўлиши;
- тарихий шаҳар ва музей кўриқхоналарда меъморий ёдгорликлардан музей биноси сифатида фойдаланиш;

- марказий музейларда йирик акциялар ва турли илмий-амалий тадбирлар ўтказиш учун минглаб аудиторияни ҳисобга олган ҳолда, қўшимча ҳудудга эга бўлиши;
- марказий музейларида турли миллат вакиллари ва ёш гурухларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро миллий мультимаданият жараёнини ташкил этиши лозим ва музейлар ёш авлодга маданият ҳамда тарихий меросимизни ўрганиш кўникмасини шакллантириши;
- музей экспозицияларида, кўргазма залларида ва сервис хизматида энг янги музей технологиялари ва замонавий коммуникация воситаларидан фойдаланиш ҳамда ташриф буюрувчилар хавфсизлигини таъминлаш.

Музейлардаги таълим фаолияти бевосита индивидуаллашган ва бутун умр ёдда қолувчи бевосита таълим шаклини юзага келтиради. Музейнинг таълим доирасидаги вазифалари унинг барча фаолият турларини жалб этади ва бу мактабларда, колледжларда ва олий ўкув юртларида таҳсил олувчилар учун маҳсус ташкил этилган мавзули экскурсиялар, лекция ва семинар машғулотлари орқали амалга оширилади.

Музейлар фаолиятининг янги йўналишлари уларнинг жамиятга таъсирини сезиларли кенгайтириб, бу жараён назарий музейшуносликда коммуникацион ёндашувнинг шаклланиши ва тараққиёти, экомузеология, музей-педагогик тадқиқотлари, музей фаолияти, маданий-маърифий ва экспозиция-кўргазмаларда, янги технологиялардан музей ишининг барча йўналишларида фойдаланилишида акс этади. Музейшуносликнинг долзарб масалаларини тадқиқ этиш натижасида шундай хуносага келинди:

- Ўзбекистонда жаҳон андозаларига жавоб берадиган музейлар яратилганлиги ва уларнинг ахборот таъминоти сферасига ахборот етказиш восита ва услубларини киритиш зарурдир. Бу борада музей ишида замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш самарали натижалар беради;

- музейларда ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда қатор ибратли ишлар қилинмоқда, лекин мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмагани кўзга ташланади;
- келгусида музей педагогикаси борасида хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни қўллаш ва ушбу қисмда келтирилган усуллардан кенг фойдаланиш лозимлиги тавсия этилиши мақсаддага мувофик;
- тарих ва бадиий музейларининг амалий ишлари қўлами ва мазмунини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Музей иши ва музейшунослик билимлари, унинг кейинги тараққиёти музейлар ҳамда жамият ҳамкорлигидаги ҳаракатлари янада унумлироқ бўлишини таъминлаши шубҳасиз. Музейларнинг маълум қисмини турли бошқармаларнинг музейлари ташкил этади. Уларнинг айримлари давлат, бошқалари эса хусусий ёки жамоат музейларига айланган. Бошқарма музейларининг деярли кўпчилиги мутахассислар учун ташкил этилган. Бу турдаги музейлар «ёпик» муассасалар бўлса-да, уларнинг кўпчилиги молиявий жиҳатдан яхши таъминланган. Баъзида бу хилдаги айрим музейлар ўсиб жамият учун очилади, уларда ҳам бошқалардаги каби музей коммуникатив муаммолари, кирувчилар билан ўзаро муносабат, кўргазмалар савияси муҳим аҳамият касб эта бошлайди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида мамлакат музейлари «қиёфаси» нисбатан ўзгаради. Айрим ўзгаришлар музей ишига янги ташки таъсир, хорижий музейлар билан алоқаларнинг фаоллашуви билан изоҳланса, бошқалари музей ишининг ички мантиқий тараққиёти билан белгиланади. Халқаро музейлар ташкилотининг (ИКОМ) маълумотларига қараганда, жаҳон музейларининг 90 фоизи сўнгги эллик йилда бунёд этилган.[1]

1990 йилларнинг бошида Ўзбекистонда жамоатчилик музейлари кескин камайди. Аммо бугунга келиб, бу музейларнинг баъзилари қайта тикланиб, концепцияси тубдан ўзгаририлди. Уларда фаолият олиб бораётган ходимлар ўзларининг касбий маҳоратларини ошириш учун давлат музейлари ходимлари қаторида малакаларини ошириш билан шуғулланишмоқда. Бадиий музейлар жамиятнинг энг кичик вакилларидан тортиб то кексаларига қадар хизмат кўрсатсалар-да, янги авлоднинг дунёқарашини, дидини, бадиий онгини ривожланишига туртки берувчи маскан сифатида ном қозонган. Музейлар –

тариҳий, бадиий, эстетик ва илмий саводни оширишга хизмат қилувчи маскандир. Уларда ҳалқ, миллат ёки жаҳон тарихининг, маданиятининг, жамиятлар ривожи ва инқизоризининг акси мавжуд. Турли давр, тарих ва жамиятларнинг излари муҳрланган экспонатларнинг қизиқарли намойиши улкан интелектуал ва эмоционал таъсир қувватига эга. Музейда даврлар, жамиятлар, фикрлар ва ғоялар тўқнашувининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ривожланган давлатларнинг музейларга, айниқса бадиий йўналишдаги музейларга эътиборини айнан музейнинг катта маънавий озуқа омбори сифатидаги ўрни билан белгилаш ўринлидир. Жамиятдаги маънавий тараққиёт миллий ўзликни англашнинг ривожи билан алоқадордир. Ўзликни англаш орқали инсон ўтмишини хотирлайди, бугуни билан таққослади, қандай жамиятда яшаётганлигини англайди ва хулосалар ясад, шу хулосалар асосида келажакка нигоҳ ташлади. Яъни, ўзликни англаш инсонни шахс даражасига кўтариб, маънавий камолот сари етаклайдиган руҳий-маънавий кучдир. Музейлар ҳалқимизнинг моддий ва маънавий бойликларини сақловчи маскан бўлиб, бебаҳо намунали экспонатлари билан тарих ва замон билан ўзаро алоқани яратади.

Киши ўзлигини, ўз маданиятини англашда бадиий музейларнинг ўрни бекиёсdir. Бадиий музейлар нафакат ҳалқнинг бадиий мероси, маданияти ва ўтмишини сақлаб уни замонавий инсонга тақдим этади. Улар инсоннинг бадиий тафаккурини ўстиришга ёрдам беради, ижодий салоҳиятини шакллантиради ва инсон қўли билан яратилган гўзаллик оламига олиб киради. Зеро, “ўта мураккаб қурилишга эга бўлган ривожланиш тизими бу санъат маҳсулоти маданияти, уни тарғиб этиш ва оммалаштириш (ёки тарқатиш) маданияти, уни тушуниш, бадиий ҳис қилиш ва ундан роҳатлана олиш маданияти, ва ниҳоят, эстетик тарбия маданияти” билан алоқадор бўлади.[2]

Н.Л.Селивановнинг интернет тармоғидаги “Субъективный взгляд на музей из виртуальной реальности” мақоласида музейни жамият (буғун эса глобал) онгнинг функционал бўлаги деб таъкидлайди. Унинг фикрига кўра музей “аввал қурилган” англаш моделидан иборат бўлган информацион-коммуникатив жараёнларнинг кесишув нуқтасидан пайдо бўлади. Музей-бу жамият онги томонидан белгиланган функцияларга нисбатан талаб натижасида юзага келувчи шаклий қўриниш, яъни функционал бўлакдир. Бу функциялар бирор бир жамиятнинг ҳоҳиши истакларини амалга ошириши лозим. Яъни интелектуал қизиқиш, фантазия қилиш, ривожланиш ва коммуникация каби истакларни қондирувчи бу маскан инсонларнинг қаътий заруриятлари асосида шаклланган – жамият институтидир. У жамият билан доимий алоқада бўлади ва ижтимоий ўзгаришларга катта таъсир кўрсатади. Маданий малакани музей шароитида жамиятга етказиб беришни музейнинг илмий-амалий фаолияти бўлмиш музей педагогикаси ўз зиммасига олади. Бадиий музейларда музей педагогикаси ўз олдига аввалимбор таълим-тарбия жараёнидаги назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиши вазифаларини қўяди.

Ўзбекистонда музей иши фаолияти ва музей педагогикасининг ривожланиши натижасида санъатни тобора кенгроқ контекстда талқин этишнинг янги имкониятлари пайдо бўлган. Ўтган асрнинг сўнгти ўн йилликларига қадар Ўзбекистонда музейнинг таълим-тарбия дастурлари экспурсия ва маъruzалар билан кифояланар эди. Буғунги кунда томошабин билан ишлаш жараёни қўпроқ изланувчанликни талаб этмоқда. Экспозиция яратища, фазовий бўшлиқни тўлдиришда, яъни интелектуал ёки жисмоний маконни хосил қилишда музей педагогининг фаолияти жуда каттадир. Турли фикрлар, нуқтаи назарлар ва билимлар экспозициянинг муваффақиятли чиқишига замин ясайди. Томошабинга савияли эстетик мухитни яратиш керак. Агар экспозиция лойиҳаси юқори даражада савияли ва омадли ташкил этилса барча асарлар ягона, яхлит катта асарни хосил қиласди.

Музей ва музей таълими доираси кенг ижтимоий маданий контекст билан алоқаларини доимий мустаҳкамлаб турувчи, маданиятни оммага намойиш этувчи муҳим манба сифатида хизмат қиласди. Буғунги кунда музей педагогикаси чет элларда, хусусан Россияда “кучли овоз”ни касб этади дейиш мумкин. Замонавий, ўзгарувчан ижтимоий, сиёсий ва маданий тузилмалар контекстида музей ва музей педагогикасининг ўрни ва аҳамияти қандай? Қай тарзда музей педагогикаси жамиятдаги ўзгаришларга таъсир

кўрсатиши мумкин? У глобализм даврида яшаётган инсонга нима бериши мумкин? Бу каби фундаментал саволлар ғарб дунёсида амалий ва илмий ишланиб чиқиб, турли лойиҳалар, кўргазмалар орқали уларга нисбатан жавоблар бериб келинмоқда.[3]

Гарб мамлакатларидағи музей иши фаолияти ва музей таълим мининг ривожланиши натижасида санъатни тобора кенгроқ контекстда талқин этишнинг янги имкониятлари пайдо бўлди. Музейлар ижтимоий ўзгаришлар катализатори сифатидаги ўрнини белгилаш учун Ўзбекистонда ҳам музей иши фаолияти ва музей педагогикасига жиддий эътибор қаратиш зарур. Юқоридаги саволлар Ўзбекистон музейшунослиги олами муаммоларига ҳам бегона эмас. Агар музейлар маданий, ижтимоий ва таълим-тарбия эҳтиёжларига жавоб бермас экан унинг жамиятдаги аҳамияти йўқолиб, элитар кўринишда қолиб кетиши хавфи мавжуд. Музейлар – ижтимоий-маданий ҳодиса бўлганлиги сабабли ҳам уларнинг фаолиятисиз замонавий шаҳар ва ривожланган мамлакатни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – Москва: Наука, 2004.
2. Соколов К.Б. Социальная эффективность государственной культуры. – Москва: Наука, 1990.
3. Фузаилова Г., Хасанова М. Музееоведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2008.